

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ИНАГАМОВА МАФУРА МУХТАРХОНОВНА

**АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the Abstract of the doctoral (PhD) dissertation

Инагамова Мафура Мухтархановна

Аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг
ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш..... 3

Инагамова Мафура Мухтархановна

Совершенствование правовых механизмов участия органов внутренних дел в
защите прав женщин.....24

Inagamova Mafura Mukhtarxonovna

Improvement of legal mechanisms of participation of law-enforcement bodies in
protection women's rights

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 41

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ИНАГАМОВА МАФУРА МУХТАРХОНОВНА

**АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Үи141 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Якубов Шухрат Умматалиевич**
юридик фанлар доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар: **Одилқориев Хожимурод Тўхтамуродович**
юридик фанлар доктори, профессор

Юсупова Нигора Жалолиддин қизи
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.Үи.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат ____⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-80, (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати «___» _____ куни тарқатилди.

(«___» _____ «___» - рақамли реестр баённомаси).

О.Т.Хусанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

И.Т.Гультеев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (Докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги барча ривожланган давлатларда инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми ҳисобланган аёл ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, барча даражадаги давлат органлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар томонидан аёллар ҳуқуқларини кафолатлашга, уларнинг жинсий камситилиши, оилавий зўравонликлардан ҳимоя қилинишига, шунингдек мазкур соҳанинг илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда институционал механизмларини тизимли ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жумладан гендер тенглиги, жинсий камситишларни бартараф этиш, аёлларни турли маиший зўравонликлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишда полиция тизими иштирокининг ҳуқуқий механизмларини шакллантириш йўналишида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса, аёл ҳуқуқлари рўёбга чиқариш соҳасидаги ишларнинг бугунги ҳолатини чуқур мониторинг қилиш ва таҳлил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини гендер тенглиги экспертизасидан ўтказиш тизимини жорий этиш, аёллар камситилишининг барча шакллариغا барҳам беришда давлат ва нодавлат ташкилотлари ролини ошириш, полиция тизимида аёллар билан ишлашга ихтисослаштирилган махсус бўлимларни ташкил этиш каби йўналишлардаги тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, «хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига шак-шубҳасиз риоя қилиш, маънавий-ахлоқий асосларни ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш»¹ каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса Ўзбекистонда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ – 5635-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ – 5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 2 июлда қабул қилинган «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 7 мартдаги ПҚ – 4235-сон «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-м.

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда аёл ҳуқуқлари, унинг ташкилий, ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг у ёки бу жиҳатларига оид айрим тадқиқотлар амалга оширилган ва уларга доир умумий тасаввур ҳамда фикрлар мавжуд.

Мамлакатимизда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг айрим ташкилий, назарий-ҳуқуқий жиҳатлари олимларимиз Қ.Абдурасулова, Д.Алимова, Ф.Ахмедшина, Ф.Атаходжаев, Г.Ганиева, А.Зокирова, М.Инакова, З.Исломов, Б.Исмаилов, Г.Маткаримова, Ф.Мухитдинова, З.Муқимов, Н.Муравьёва, Х.Одилқориев, Г.Рахимова, А.Саидов, А.Саттаров, С.Сафаева, Г.Тансиқбаева, Ж.Тошқулов, М.Холматов, Ш.Ҳамраева, С.Ходжаева, Г.Юлдашевлар томонидан ўрганилган¹.

Хусусан, Г.Маткаримова томонидан аёлларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқлари миллий ва халқаро ҳуқуқ контекстида тадқиқ этилган² бўлса, С.Ходжаева аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини юксалтириш, профессор Г.Юлдашева инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, С.Сафаева аёлларга оид умумий ижтимоий ва миллий жиҳатлар тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатлар олимларининг изланишларига эътибор қаратсак, аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида жуда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Уларга М.Губайдуллина, Н.Жильский, Т.Иванова, Д.Латыпова, Е.Петрушина, С.Поленина, В.Романова, И.Рубина, А.Снегур, А.Чеботарева, Н.Шапвалова, М.Щелкунова, М.Жанова, Crawley Sara, K. Broad, M. Sineau ва бошқаларнинг илмий ишларини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Юқорида баён этилганлар аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида комплекс тадқиқотиши сифатида ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилатганган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Қаранг: Маткаримова Г.А. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. // Автореф. дис... д-ра.ю.н. – Т., 2002. – 41 с.

Тадқиқотнинг вазифалари белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

хотин-қизлар ҳуқуқига оид қоидалар шаклланишининг илмий-методологик асослари ва тараққиёт босқичларини тадқиқ қилиш;

«аёл ҳуқуқлари», «аёллар ўртаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» каби категорияларни илмий таҳлил этиш;

Ўзбекистонда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштироқи ҳуқуқий механизмларининг ривожланиш тенденцияларини илмий таҳлил қилиш;

аёл ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни амалга оширишда ички ишлар органлари фаолиятининг хусусиятларини очиш;

аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини илмий таҳлил этиш ҳамда истиқболларини белгилаш;

хорижий мамлакатлар тажрибасида аёл ҳуқуқлари ҳимояси ва унда полиция иштирокининг ҳуқуқий ва институционал механизмларини илмий тавсифлаш;

Ўзбекистонда аёл ҳуқуқларини таъминлашда ички ишлар органлари фаолиятида мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда уларнинг ҳал этиш йўлларини аниқлаш;

аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга оид аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштироқи билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг объектини аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ҳуқуқий механизмларини ривожлантиришга оид илмий қарашлар ҳамда концептуал ғоялар ҳамда мазкур соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда ижтимоий фанлар, хусусан, давлат ва ҳуқуқий фанлар учун умумий бўлган тизимли-структурали ёндашув, тарихий, мантиқий, аниқ-социологик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аёллар ҳуқуқларига дифференциал ёндашув асосида ички ишлар органларининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида таълим олаётган қизларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга уларнинг ёшларига доир тузатишлар киритиш зарурлиги асослантилган;

ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига келтирилган ҳомиладор, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни қўшимча равишда боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, боланинг айнан шу аёлга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжати сақлашнинг ички тартиб-қоидаларини шакллантиришда аёл ҳуқуқлари таъминланишининг аҳамияти амалий жиҳатдан асослантилган;

маъмурий қамоққа олинган ва сақланаётган аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, хусусан аёлларни

жойлаштириш ва сақлаш, уларнинг моддий-маиший таъминотининг ташкилий-хуқуқий механизмларини қонунда аниқ акс эттириш зарурати асослантирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан «Аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликлари профилактикаси тўғрисида»ги ҳамда «Маиший зўравонликларни олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳаларини тайёрлашда фойдаланилган.

Шунингдек, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сонли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартишлар киритишда ҳамда 2017 йил 14 августдан бошлаб кучга кирган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш хибсхоналарининг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 171-сонли буйруғини тайёрлашда диссертациядаги таклифлар эътиборга олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида фойдаланилган адабиётлар ва қонун ҳужжатлари расмий манбалардан олинган ҳамда улар белгиланган талаблар асосида ҳавола қилинган. Илмий-тадқиқот ишининг якуни бўйича назарий хулосалар ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар, давлат-хуқуқий фанларга тегишли илмий-назарий қарашлар ва хуқуқий категориялар, шунингдек аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва тажрибасини қиёсий таҳлил этиш асосида илгари сурилган. Шу билан бирга, диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётда жорий қилинганлиги ва бу ваколатли идоралар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланганлиги тадқиқот натижаларининг ишонччилигини намоён этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аёл ҳуқуқлари, уларни ҳимоя қилишда ички ишлар органларининг иштироқига доир илмий изланишларни амалга оширишда, ушбу муаммонинг илмий-назарий асосларини янада ривожлантиришда, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун махсус адабиётларни тайёрлашда ҳамда «Инсон ҳуқуқлари», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти ички ишлар органларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид фаолиятининг хуқуқий ҳамда институционал механизмларини такомиллаштиришда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мазкур диссертация тадқиқоти бўйича олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилганини тасдиқлаш бўйича қуйидаги хулосалар олинган:

аёллар ҳуқуқларига дифференциал ёндашув асосида ички ишлар органларининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида таълим олаётган кизларнинг хуқуқий мақомини норматив-хуқуқий ҳужжатларда аниқ белгилашга оид таклифлар 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сонли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартишлар

киритишда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан 2018 йил 26 майда тақдим этилган № 26/5-1469-сонли далолатнома). Илмий натижалардан фойдаланиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ички ишлар органларининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида таълим олаётган қиз болаларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгиланишига хизмат қилган;

ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида аёлларни, хусусан, ҳомиладор ҳамда ёш болали аёлларни сақлашнинг ички тартиб-қоидалари, хусусан, аёллар учун ажратиладиган майдон ҳажми, уларга бериладиган шахсий-гигиена воситалари турлари, аёлларни жойлаштиришда тақдим этиладиган ҳужжатлар ва бошқа талаблар 2017 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 171-сонли буйруғини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси томонидан 2018 йил 19 июнда тақдим этилган № 15/2027-сонли далолатнома). Илмий натижалардан фойдаланиш ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида аёлларни, хусусан, ҳомиладор ҳамда ёш болали аёлларни сақлашнинг ички тартиб-қоидалари, хусусан, аёллар учун ажратиладиган майдон ҳажмини аниқ белгиланишига хизмат қилган;

маъмурий қамокқа олинган аёлларни жойлаштириш ва сақлаш, уларнинг моддий-маиший таъминотига оид таклифлардан «Маъмурий қамокни ўташ тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 25 январдаги №06/1-05/978-сонли далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қонунда маъмурий қамокқа олинган аёлларни жойлаштириш ва сақлаш тартибини белгиланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 2 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларида 11 та (10 та республика ва 1 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ишнинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ҳамда эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг биринчи боби «**Аёллар ҳуқуқлари: мазмуни, шаклланиши ва миллий ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, уч параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда аёл ҳуқуқи тушунчаси, тавсифи, моҳияти ва ижтимоий аҳамияти, ҳуқуқий нормалар тизимида аёл ҳуқуқлари шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий негизлари, шунингдек мамлакатимизда аёл ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари шаклланишининг асосий босқичлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда, аёл ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми бўлса-да, ўзига хос бир қатор жиҳатлари ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар каби аёллар ҳуқуқларининг эркаклар ҳуқуқлари билан шунчаки оддий тарзда тенглаштириб қўйилишининг ўзи уларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлай олмаслигига асосланади. Бинобарин, аёлларнинг ҳуқуқий мақоми, яъни уларга тегишли ҳуқуқлар ва бажарадиган мажбуриятлар мажмуи эркакларнинг ҳуқуқий мақоми билан айнан бир хил бўлмаслиги керак. Умуман, «аёл ҳуқуқи» тушунчасини чуқур илмий таҳлил асосида аниқлаштириш аёлларнинг ҳуқуқларини белгилашда, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар беришда, улар ҳуқуқини ҳимоя қилишда алоҳида аҳамиятга эга экани қайд этилади.

Муаллиф аёл ҳуқуқларининг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил этиш асосида аёл ҳуқуқи тушунчасига қуйидагича таъриф беради: «аёл ҳуқуқлари бу – инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми бўлиб, халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар асосида шаклланган, аёлларнинг ўзига хос хусусиятларини (репродуктив, физиологик ва ҳ.к.) инобатга олган ҳолда тизимлашган, давлатлар ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан қафолатланадиган қоидалар мажмуидир».

Мазкур муаллифлик таърифини асослашда қуйидаги омиллар алоҳида кўрсатилади: *биринчидан*, ҳар қандай ҳуқуқий нормалар давлат томонидан ишлаб чиқилади, белгиланади ва ҳимоя қилинади; *иккинчидан*, аёл ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг барча элементларини қамраб олади, шунинг учун ҳам баъзи муаллифлар аёл ҳуқуқларини инсон ҳуқуқлари дея унга алоҳида таъриф беришни лозим топишмаган; *учинчидан*, аёл ҳуқуқларининг узок

даврлар давомида эркаклар ҳуқуқи билан тенг бўлмаганлиги, жамиятда уларнинг кам ҳимояланганлиги; *тўртинчидан*, энг муҳими аёлларнинг ўзига хослиги, жисмоний жиҳатдан эркаклардек жисмоний кўшимча куч талаб қиладиган ишлар билан машғул бўла олмаслиги ва ушбу масала уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилашда ҳисобга олиниши шартлиги; *бешинчидан*, аёлларнинг фарзанд кўриш ҳамда уни тарбиялашдек вазифага масъуллиги; *олтинчидан*, халқимизнинг ўзига хос менталитети, унда аёлларга бўлган муносабатлар.

Диссертант хулосасига кўра, аёл ҳуқуқларига оид нормаларнинг юз ага келиши инсон ҳуқуқларига оид илк ҳуқуқий нормалар пайдо бўлишига бевосита боғлиқ. Масалан, қадимги даврдаги ёзма бўлмаган (оғзаки) манбалардаги қоидаларга асосан, аёлларни оғир ишларга жалб этмаслик, эркаклар овга чиққанида аёллар уй-рўзғор ва фарзанд тарбияси билан шуғулланишини белгилайдиган тартиб-таомиллар¹ айнан аёл ҳуқуқига оид нормаларнинг дастлабки кўринишидир. Улар умумий ҳуқуқий нормалар ривожига ҳамоҳанг тарзда ривожланиб, турли тарихий даврларда такомиллашиб, бугунги замонавий нормалар даражасига келди.

Муаллиф аёл ҳуқуқларини тарихий-ҳуқуқий шаклланишини шартли равишда қуйидаги тўртта босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқлигини қайд этади:

1. Қадимги давр – аёл ҳуқуқлари бўйича илк қарашлар пайдо бўлган пайтдан то эрамизнинг VII асргача бўлган давр.
2. Ўрта асрлар даври – VII–XVIII асрлар.
3. Классик давр – XIX–XX асрнинг биринчи ярми.
4. Замонавий давр – XX асрнинг иккинчи ярмидан то ҳозирги кунга қадар.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги жамият ҳаётига улкан янгиликлар олиб кириши билан бирга инсонга, унинг ҳуқуқ ва эркинларига муносабатда ҳам янгича ёндашувларни талаб этди. Аввало, собиқ тузумдан фарқли равишда давлат инсонга, жумладан аёлга муносабатни ўзгартиришини тақозо этарди. Муаллиф Ўзбекистон эришган мустақиллик инсон ҳуқуқлари қаторида аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги даврини бошлаб бергани ҳақидаги бир қатор ўзбек олимларининг илмий изланишларидаги фикрларни қўллаб-қувватлашини таъкидлайди².

Ўзбекистонда бевосита инсон ҳуқуқларига оид 300 дан, хусусан аёл ҳуқуқларига тегишли 50 дан ортиқ турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

¹ Қаранг: Мухамедов Х. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. Қадимги дунё давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент. – 368 б; Қаранг: Файзиев М.М., Раҳимов Ф. ва б. Ўзбекистон миллий давлатчилик назариясининг ҳуқуқий асослари. – Тошкент, 2006; Қосимов Р., Содиқов М. Мустақиллик – олий неъмат. – Тошкент, 2000; Азамат Зиё. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000; Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома. Масъул муҳаррир Ш.Каримов. – Тошкент, 2000; Ж.Тошқулов, А.Х.Саидов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент, 1995; Бартольд В.В. Сочинения. Т.1-8. – Москва, 1963–1973; Ўзбекистон ССР тарихи. I–IV жилдлар. 1967–1971 йиллар.

² Қаранг: Файзиев М.М., Муқимов З.М., Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон миллий давлатчилик назариясининг ҳуқуқий асослари. К.И./[Бош муҳаррир Р.Рўзиев]; Ўзбекистон Республикаси ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологиялар маркази. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005. – Б. 54.

қабул қилинганлиги, мамлакатда аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги давлатнинг асосий қонуни асосида, конституциявий-ҳуқуқий норма даражасида мустақамланганлиги, ҳозирги кунда амалда бўлган 17 та кодекс ва 900 дан ортиқ қонунларнинг 400 га яқинида, 35 мингдан ортиқ қонуности ҳужжатларининг ўн мингдан ортиғида аёллар ҳуқуқ-эркинликларига оид ҳуқуқий нормалар учраши қайд этилган¹.

Муаллиф аёл ҳуқуқларига оид ҳуқуқий механизмларни илмий жиҳатдан таҳлил этишда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратиш зарурлигини қайд этади: биринчидан, мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий аҳволи; иккинчидан, давлат сиёсий-ҳуқуқий мақомининг аниқ белгиланиши ва танлаб олинган мақсад ва вазифаларнинг уйғунлиги; учинчидан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши; тўртинчидан, давлат ва жамият бошқарувида аёллар иштирокини янада кенгайтириш зарурати ва ҳ.к.

Диссертациянинг иккинчи боб «Ўзбекистонда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органларининг иштироки»га бағишланган бўлиб, учта параграфни ўз ичига олган. Унда ички ишлар органларининг аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги асосий вазифалари ва унинг амалга оширилиши, аёл ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни амалга оширишда ички ишлар органларининг иштироки ҳамда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органларининг турли фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги таҳлил этилган.

Мазкур бобда, аввало, ички ишлар органларининг аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги асосий функционал вазифалари ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари илмий тадқиқ этилган.

Диссертант ички ишлар органлари ходимлари томонидан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган ваколат, вазифа ҳамда мажбуриятларга асосланишини қайд этади.

Муаллиф томонидан ички ишлар органлари ходимлари томонидан юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ваколатларни амалга ошириш борасида, жумладан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда олиб борилаётган амалий фаолиятнинг қуйидаги йўналишлари алоҳида ажратиб кўрсатилади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни²нинг 4-моддасида белгиланган ички ишлар органлари фаолиятини асосий йўналишларида кўрсатилган функционал вазифаларни амалга оширишда иштирок этиши. Ушбу йўналишларни деярли барчасини амалга оширишда ички ишлар органлари ходимлари аёлларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи билан дуч келадилар. Масалан,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг миллий электрон базаси – www.lex.uz; Қонун ҳужжатлари электрон базаси – www.norma.uz.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №38. – 438-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2016. – № 9. – 272-м.

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, йўл ҳаракати хавфсизлигини, паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширишда ҳам аёл ҳуқуқлари ҳимояси амалга оширилади. Умуман, юқоридаги фаолият йўналишларининг барчасида аёл ҳуқуқлари ҳам инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида бирдек ҳимоя қилинади.

Иккинчидан, ички ишлар органлари ходимлари ўз функционал хизмат вазифаларидан келиб чиқиб, аввало, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил аёллар билан кўпроқ иш олиб борадилар ва ўз ўрнида улар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси билан ҳам шуғулланадилар.

Статистик маълумотларга кўра, ўз хатти-ҳаракатлари билан жиноят содир этишга мойил бўлган аёллар сони 2018 йилнинг 6 оyi ҳолатига кўра 29457 нафарни ташкил этади. Уларнинг 16628 нафари – ҳақорат қилишга, 6609 – безорилик жинояти содир этишга, 4978 – тан жароҳати етказишга, 1218 – тухмат қилишга, 42 – алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилган ҳолда жиноят содир этишга мойил бўлган аёллардир¹. Булар билан ҳудудлардаги профилактика инспекторлари доимий равишда иш олиб борадилар. Шу билан бирга, бундай аёллар билан доим профилактика суҳбатлари амалга оширилади. Ёки, оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобга олинган шахслар орасидаги аёллар сонига эътибор қаратсак, 2018 йилнинг 6 оyi ҳолатига кўра бундай аёлларнинг сони 4086 нафарни ташкил этади.

Ҳудудлар кесимида уларнинг нисбати қуйидагича: 873 нафари – Тошкент шаҳрида, 693 – Сурхондарё, 693 – Самарқанд, 337 – Навоий, 260 – Тошкент, 207 – Бухоро, 206 – Хоразм, 206 – Андижон, 180 – Сирдарё, 143 – Қашқадарё, 126 – Жиззах, 101 – Наманган, 58 – Фарғона вилоятларида ва 3 нафари – Қорақалпоғистон Республикасида². Юқоридаги рақамлар бир томондан ҳуқуқбузарликка мойил аёллар ҳақида маълумот берса, иккинчи томондан ички ишлар органлари ходимлари томонидан аёллар билан ишлаш борасидаги вазифаларнинг муҳимлигини кўрсатади.

Учинчидан, ички ишлар органлари томонидан олиб бориладиган тушунтириш, тарғибот ишлари орқали ҳам аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муайян натижаларга эришилади. Масалан, қонунлар моҳиятини тушунтириш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, шунингдек турли ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга ҳамда инсон, жумладан аёллар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга эришилади.

Диссертант «ҳозирги кунга қадар ички ишлар органларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти умумий тамойиллар асосида амалга оширилади, деб қайд этади. Унинг фикрича, ички ишлар органлари ходимлари томонидан аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясида

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан 2018 йил август ойида тақдим этилган расмий статистик маълумотлардан.

² Юқоридаги манбадан.

умумийлик принциpidан, индивидуал ёндашувга ўтиш зарур. Бунда аёллар билан ишлаш, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олиниши лозим».

Муаллифнинг қайд этишича, аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни ташкил этишда, аввало, аёлларни тушуниш, уларни ҳис этиш лозим бўлади. Бунинг учун ички ишлар органлари ходимларига аёл ҳуқуқларини таъминлаш масалалари янада чуқурроқ тушунтирилиши, махсус дарслар сони оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ушбу масала ички ишлар органларида фаолият олиб бораётган аёл ходимлар сонига ҳам боғлиқ. Тизимда фаолият олиб бораётган аёллар сонининг янада кенгайтириш масаласи ҳам долзарб аҳамиятга эга. Ҳозирги амалиётга кўра, ички ишлар органлари тизимида ходимларнинг 2-3 фоизинигина аёллар ташкил этади.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий ўқув юртларига қизларни қабул қилишда ҳам қатъий, 5 фоизлик квота белгиланган. Муаллиф фикрича, ички ишлар органлари тизимида аёллар сонини кўпайтириш юзасидан ташкилий масалалар ҳал этилиши лозим. Бу орқали ички ишлар органлари томонидан аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда янги ва ижобий натижаларга эришилади.

Яна бир муҳим масала сифатида диссертант томонидан аёл ҳуқуқлари ҳимоясида иштирок этган ходимлар фаолиятини баҳолаш мезонларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш қайд этилади. Бу борада муайян тажрибага эришилди. Хусусан, Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси асосида ички ишлар органлари профилактика инспекторлари, йўл патруль хизмати ходимлари фаолиятининг хизмат фаолиятини баҳолаш тартиби ва мезонлари амалга жорий этилди. Унга кўра, уларга нисбатан бир марталик пул ушланиши ва мукофоти тарзидаги иқтисодий таъсир чораларини қўллаш тартиби амалга жорий этилди. Хусусан, фаолияти ҳар чоракдаги ишларини баҳолаш якунларига кўра қониқарсиз деб топилган ходимларга нисбатан таъсир чораси сифатида улар лавозим маошининг 50 фоизигача миқдорда бир марталик пул ушланиши қўлланади. Ёки, фаолияти ҳар чоракдаги ишларини баҳолаш якунларига кўра самарали деб топилган ходимларга нисбатан лавозим маошининг 50 фоизгача миқдорида бир марталик пул мукофоти қўлланади¹. Диссертант мазкур амалиётни аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига ҳам татбиқ этилиши зарурлигини қайд этади.

«Аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш» деб номланган ва учта параграфни ўз ичига олган учинчи боб унда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ўзига хос жиҳатлари, соҳада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарорига илова. Бириктирилган ҳудудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 23 февраль; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июлдаги 514-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 й. – 27 дек.

шунингдек ички ишлар тизимида аёллар фаолияти ва уларнинг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги иштирокининг ҳуқуқий тартибга солинишига оид хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил этилган.

Диссертант ички ишлар томонидан аёл ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги хорижий тажрибани ривожланган давлатларнинг географик жойлашувидан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишларга ажратиб таҳлил қилади: Америка қитъасида жойлашган мамлакатлари; Европа мамлакатлари; Шарқий Осиё мамлакатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар тажрибаси.

Ривожланган мамлакатларда аёл ҳуқуқлари ҳимоясига жиддий эътибор қаратилиши, полиция зиммасига ҳам муайян масъулият юклайди. Айниқса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юксак натижаларга эришган демократик мамлакатларда аҳолининг турли қатламлари, жумладан аёллар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид муҳим тажрибалари муаллиф томонидан чуқур илмий таҳлил қилинади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ички ишлар тизимида аёллар жами ходимларнинг 10-20 фоиздан ортиғини ташкил этади. Иккинчидан, аёлларни ички ишлар тизимида ишга қабул қилишда «аёллар ва эркаклар тенглиги» тамойили амал қилади ва амалда аёллар камситилишига йўл қўйилмайди. Диссертант фикрича, аввало аёл ҳуқуқлари ҳимоясида ички ишлар органлари иштирокини кучайтиришда тизимга аёлларни кенг жалб этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари қайта кўриб чиқилиши лозим. Хусусан, ички ишлар тизимида кадрлар тайёрловчи таълим муссасаси юртлирига қизларни қабул қилиш квоталари оширилиши зарур.

Диссертант томонидан ички ишлар органлари ходимларининг аёллар ҳуқуқларига оид нормаларни қўллаш фаолиятининг илмий-назарий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилган. Бунда олимлар томонидан таснифланган қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган:

1. Шахс ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолият.
2. Шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолият¹.

Мазкур, таснифлашни ички ишлар органларининг аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бунда биринчи гуруҳга аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий чора тадбирлар, яъни институционал тузилмаларни жорий этиш, норматив асосларни яратиш, профилактик ишлар каби масалалар киради. Яъни, умумий аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари.

Иккинчи гуруҳда эса ҳуқуқлари бузилган аёлларни ҳимоя қилиш, улар ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ амалий ишлар. Бу ҳам жуда муҳим йўналиш бўлиб, унда ҳуқуқбузарликлардан азият чеккан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тиклашга эътибор қаратилади. Муаллиф фикрича, хозирги

¹ Қаранг: Саттаров А.Х. Теория прав человека и актуальные проблемы защиты прав человека в деятельности органов внутренних дел. Автореф. дис.... д-ра. юрид. наук. – Т., 2003. – Б. 19–21.

ички ишлар органларининг амалиёти кўпроқ иккинчи гуруҳдаги фаолиятга йўналтирилган. Бу кўпроқ бузилган ҳуқуқларни тиклашга йўналтирилган.

Диссертантнинг қайд этишича, амалий фаолият фақатгина бузилган муайян ҳуқуқларни тиклашга эмас, балки профилактик чора-тадбирларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ. Шу жиҳатдан, аёлларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янада кучайтириш зарур.

Муаллиф фикрича, ички ишлар органлари томонидан аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аёл ҳуқуқларига оид нормаларни амалга татбиқ этишда кўйидаги муаммоли ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжуд:

биринчидан, ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аёллар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб таснифланмаганлиги;

иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш жараёнида аёллар ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли қонунларда акс этган имтиёзлар ҳуқуқни қўллаш актларида етарли даражада белгиланмаганлиги;

учинчидан, ички ишлар органлари ходимлари томонидан аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш, аёлларга нисбатан жазони ижро этиш жараёнларида ошкоралик принципини етарли даражада таъминланмаганлиги;

тўртинчидан, айрим ички ишлар органлари ходимлари томонидан аёлларни таҳқирловчи, камситувчи, ҳақорат қилувчи, у ёки бу даражада ҳуқуқларини поймол қилувчи ҳолатларнинг мавжудлиги;

бешинчидан, оғир аҳволга, руҳий тушкунликка тушиб қолган аёллар билан ишлаш, улар томонидан ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари юзасидан ички ишлар органларида махсус психологик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий, илмий-назарий ҳамда методологик асослари яратилмаганлиги;

олтинчидан, аёллар ҳуқуқларига дифференциал ёндашув асосида ички ишлар органларининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида таълим олаётган қиз болаларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукамал эмаслиги;

еттинчидан, ички ишлар органларига қарашли вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳам айрим муаммоларнинг мавжудлиги;

саккизинчидан, аёллар томонидан содир этиладиган турли ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ички ишлар органларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигига оид ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилмаганлиги;

тўққизинчидан, оилаларда аёлларга нисбатан ишлатиладиган зўравонликларни бартараф этишда ички ишлар органларининг иштироки ташкилий-ҳуқуқий асослари мукамал эмаслиги.

Диссертациянинг сўнгги параграфида муаллиф томонидан аёл ҳуқуқлари ҳимоясида ички ишлар органлари иштирокининг ташкилий-

ҳуқуқий ҳамда институционал механизмларини такомиллаштириш истиқболлари ҳақида фикр юритилади.

Бу йўналишда муаллиф, аввало, аёллар ҳуқуқларининг ички ишлар органлари томонидан ҳимоя қилиниши, унинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тараққиётини таҳлил ва прогноз қилиш борасида мунтазам амал қиладиган механизмни татбиқ этиш керак. Бундай механизм тизимнинг келажагини янада мукамал бўлишига хизмат қилади деган хулосага келади.

